

26
декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасига ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайлов кампанияси бошланди. Сиёсий партиялар парламент сайловида қатнашиш учун имзо тўплашга киришишди ҳам. Ўз-ўзидан маълумки, сайловларнинг демократик меъёрлар асосида ўтишини таъминлаш, аввало, фуқароларнинг фаол иштирокига ҳам боғлиқ. Хўш, сайловчилар ушбу сиёсий жараёнда қатнашишга, ўз номзодларини қўллаб-қувватлашга, улар учун овоз беришга тайёрми?

Сайловчи парламент мундарижасини белгилайди

фраолиги

Чори ДАВЛАТОВ, ўқитувчи (Термиз иқтисодий коллежи):
— Бу йилги сайлов кескин курашларда ўтишига шубҳа йўқ. Негаки, айни пайтда партиялар ўзларининг номзодлари учун овоз тўплашга киришиб кетишди. Жараёни кузатиб туриб, партияларнинг фаолиятдан қоникдим. Хар бири мамлакатимиз сиёсий майдонида ўрин эгаллаш учун курашмоқда. Бу сиёсий тадбирда биз ҳам четда турмаймиз. Сайлашга келсак, албатта, ишончимизни оқлаган номзодларга овоз берамиз.

Раъно ХАМЕДОВА, уй бекаси (Тошкент шаҳри):
— Билмадим. Партиялар фаолияти билан яқиндан танишмаганим боис, бу хусусда бир сўз айтмайман. Икки палатали парламентдан эса умидимиз катта. Билишимча, бундай парламентда қонунларни қабул қилшда халқ фикрини билиш даражаси ортар экан. Мухими, шу эмасми?

Нафас РЎЗИЕВ, тадбиркор (Қашқадарё вилояти):
— Мен тадбиркорман. Фаолиятимни давом эттирсам, одамларга фойдадан тегса дейман.


Фикрлар турли хил. Мақсад эса барчамизга бирдек экан. Хар бир сайловчининг сиёсий жараёнда оғли равишда муносиб номзодларга овоз бериши эртанги кунимиз фаровонлиги учун асосдир. Холбуки, парламентни шакллантиришда ҳар биримизнинг ҳам ўз ўринимиз, ўз овозимиз бор.

ман. Шу боис, бўлажак сайловда менинг манфаатим, халқнинг манфаати учун қайғурадиган номзодгагина овоз бераман. Бир вақтлар халқни ёлғон ваъдаларга ишонтириб, депутатликни фақат обрў-эътибор, деб биладиганлар энди аяди. Чунки ҳақ-ҳуқуқимизни таниямиз, янгилик фикрларга ўрганишимиз. Ҳақ гап эса халқ томонидан айтилиши керак ва биз бунга тайёрми.

Акмал МУҲАММАДИЕВ, талаба (Ўзбекистон Миллий университети):

— Биз-ку тайёрми, лекин сиёсий партияларнинг фаолиги суғ, назаримда. Сайлов жараёни дунё мамлакатларида анча баҳс-мунозаралар, кескин курашлар асосида ўтишини телевидение орқали кўп кўрамиз. Партиялар ўз номзодларига овоз тўплаш учун одамларни келажакда бажарилиши лозим бўлган ишларга ишонтиришга ҳаракат қилади. Бизда эса сайловга тайёргарлик жадвал кетаяпти. Бирок... Шу кунгача татто ёшлар орасида партиялар, қолаверса, бўлажак сайловлар хусусидаги бахсларни кўрамиз. Ахир, демократияга ана шу бахслар орқали эришилади-ку.

“Халқ сўзи” мухбири Зибёда АШУРОВА сўзботлашди.



КАРАТЭ — МАРДЛАР ҲЎЙИНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).


Нихоят Ўзбекистон Кубоги мусобақалари қатнашчилари бўлмиш республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги 58 та клубнинг вакиллари — 1425 нафар каратэчи болалар ва кизлар марш садолари остида залга кириб келиб, саф тортисади.

Ўзбекистон Каратэ миллий федерациясининг президенти, 6 ДАН қора белбоб соҳиби Нурхон Нафасов йилнинг энг нуфузли мусобақаларидан бири — Ўзбекистон Кубоги иштирокчиларига омад тилаган, каратэ бўйича Осиё чемпиони Отабек Қосимов

мадҳиямиз садолари остида мусобақа байроғини кўтарди.

Турнирнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар спортчи ва мураббийларни катта спорт байрами билан табриқлар эканлар, Ўртбошимизнинг бевосита раҳнамоликлари остида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор ўзининг тотли меваларини бераётгани, хусусан Афинада ўтказилган ёзи олимпиададаги муваффақиятлар, Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожикни қийиши ҳам шулар жумласидан эканлигини мамнуният билан таъкидлашди.

Ҳали ва совриндорлар рўйхатида назар ташлар эканмиз, ундан Тошкент шаҳри билан



бирга, вилоятлар вакиллари ҳам кенг ўрин олганлигининг шохиди бўлганми.

Масалан, яқка ката баҳсида 1996 йилда туғилган ўғил болалар ўртасида Андижон вилояти вакили Ихтиёр Мадаминов ғолиб чиқ-

қан бўлса, 1992-1995 йилларда туғилганлар ўртасида Тошкент шаҳридан Миржамол Қосимов, Муроджон Ҳакимов, Санжар Анваров, Илья Поповлар ҳурмат шохупасининг энг юқори поғонасини банд этишди. 1991 йилда туғилган

Фахриддин Атамуродов (Хоразм) ҳам ғолиблар сафини бошқарди.

Киз болалар ўртасида шу йўналиш бўйича энг ёш қатнашчилар — 1993-94, 1995-96 йилларда туғилганлар орасида Сурхондарё вилояти вакиллари Севара Аҳмедова ва Сурайё Муҳаммаджоновлар зафар кўчишди.

Кизлар ўртасидаги яқка кумитэ бахсларида ғолиблар сафида тошкентлик Лида Потапова, Қашқадарё вакиллари Наргиза Тоштемирова ва Муҳайё Ҳужақулова, андижонлик Фазода Қорабоева, Наманган вакили Гулбахор Дадабоева борлигини кўрамиз. Яқка кумитэнинг ўғил болалар ўртасидаги «жанг»ларда асосан Наманган вилояти, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти, самарқандлик ёшлар рақибларидан устун келишди.

Ўғил болалар ўртасида жамоа ката мусобақасида битта ёш тоифасида «Тошкент-1», иккита ёш бўйича «Тошкент - 1», 1986-87-88 йилларда туғилганлар ўртасида «Билло» каратэ клуби (Тошкент шаҳри) ғолиб чиққан бўлса, кизлар ўртасида жамоа ката беллашувларида 1986-96 йилларда туғилганлар ўртасида «Билло клуби» вакиллари, яна иккита ёш тоифасида қашқадарёлик кизлар, 1986-88 йилларда туғилган каратэчилар баҳсида эса наманганлик ёшлар барча рақибларидан устун келишди.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Кубоги — 2004 мусобақаларининг ғолиблари.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Эрта ҳаракат қилган деҳқон ютади. Буни галлачилликда миришкор бўлган чустликлар яхши билишади. Бугун туманининг қай бир гўшасига борманг, эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган пахтакорлар, боғбону соҳибкорлар меҳнати мевасидан завқ туясиз. Бир томонда теримчилар басма-баси авжа минган бўлса, бир томонда галла экиш ишлари қизгин.

— Деҳқон ҳар қандай вазиятда ҳам меҳнат қилади, ғўзаси буй чўзган сари унинг кўнгли ҳам ўсади, галласи бошоқлаб ҳосил тукканда меҳнати самара бераётганидан қувонади, — дейди тумандаги «Жамшид» фермер ҳўжалиги раҳбари Хайдарали Абдуллоев. — Бу йил галламиз мўл бўлди. Пахтанин ҳам ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил кўтардик. Келгуси йилги галла ҳосили учун ҳам замин яратиб қўйдик.

Дарҳақиқат, ҳозирда туманда галла экиш ишлари авжада. Механизатор Зарифжон Сатторов кечagina «Жамшид»нинг сўнги гектарларига бугун уруғини қадади. Энди гал уруғини муваффақиятли учдириш агротехника талаблари асосида парваришланади. Шунда Хайдарали ва унинг қаторидагилар режадаги 80 эмас, балки ундан ҳам зиёд ҳосил олади бўлади.

СУРАТДА: фермер ҳўжалиги раҳбари Хайдаржон Абдуллоевлар меҳанизатор Зарифжон Сатторов билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«БАС»
Тифаннинг қўрқам маҳсулотлари Самарқандда иш бошлаган «БАС—Тифано» кўша корхонаси иш бошлаган дастлабки кунда, унинг маҳсулотларига харидорлар кўпайди. Ўзбекистон-Россия-АҚШ ҳамкорлиги меваси бўлган ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган витражлар, эшик ва дераза блоклари, металл ва ёғочдан тайёрланган бошқа курилиш ашёлари барчага манзур бўлаётди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Суд-ҳуқуқ ислоҳоти

Ҳуқуқий демократик давлат — эркин фуқаролик жамиятида суд, шубҳасиз, адолатли таъминловчи маҳкама сифатида намоён бўлиши керак! «Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судьяларинга қонуний ҳуқуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини ҳолисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқаради... қарерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши мукаррар. Қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини таъминлашдан суд, фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди».

Президентимизнинг маърузаларидан келтирилган ушбу иқтибос, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш жараёнида судьяларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга барча катта масъулият юклатилганлигини таъкидлаш баробарида, суд ҳокимияти нуфузини лозим даражага кўтариш шарт эканлигини, бундан дарвинг ўзи тақозо этаётганлигини ҳам англайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасида: «Суд ҳокимияти чиялган ҳужжатга барча давлат органлари, жамоат биришмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир» дейилган.

Қонун бўйича суд томонидан чиқарилган ва қонуний кўчга кирган суд қарорининг тўғри ёки нотўғрилиги масаласига баҳо бериш фақатгина юқори турдаги суднинг валаюғига қаради.

Умумий юрисдикция судларининг энг юқори инстанцияси — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида», «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарорларида одил судловнинг муҳим ҳужжати ҳисобланадиган суд қарорларини қабул қилишда судьялар зиммасига ниҳоятда катта масъулият юклаган. Мазкур ҳужжатларнинг қонуний, асосли ҳамда адолатли бўлиши учун амал қилиниш шарт бўлган бир қатор тамойиллар процессуал қонунчилигимизда ҳуқуқий меъёр сифатида мустақамлаб кўйилган. Ушбу тамойилларга амал қилинмасдан чиқарилган суд қарорлари сўзсиз бекор қилинади.

Судларнинг фаолияти маълум маънода жамиятдаги ижтимоий оғининг у ёки бу тарзда ўзгаришига таъсир қилиши анки, Айтилак, агар фуқаро ўзининг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилган бўлиб, унинг ҳуқуқлари тикланса, у энг аввало, жамиятдан ва давлатдан рози бўлади. Адолат тантанасига ишонч билдириб, эртанги

кунга умидворлик билан қараб бошлайди.

Ақсинча, суд томонидан ноқонуний қарор қабул қилинган тақдирда фуқаро жамиятдан, давлатдан ва биринчи навбатда унинг номидан сўз юритган суддан норози бўлади, албатта. Шу боис олиб борилган ислохотларнинг тўб мазмун-моҳияти ҳам фуқароларнинг қонун билан қўриқилган ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилинишини қафолатлашга, одил судловнинг сифати ва самардорлигини янада оширишга, бу вазифаларни рўёбга чиқариш учун суднинг обрўси ва маънавини кўтаришга, унинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Судларда юксак даражада ҳуқуқий билимга, малакага, ҳаётий тажрибага, шунингдек, иймон-этикод ва эзгу инсоний хусусиятларга эга кадрлар захирасини ташкил этиш, бунинг учун судья кадрларини танлашда адолат ва ошқоралик тамойилларига риоя қилиш энг муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Шу нуктадан назардан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг ҳамда жойлардаги судьялар малака ҳайъатларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Модомки, эркин фуқаролик жамияти шаклланаётган экан, бу даврда асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини вужудга келтиришга қаратилмоғи лозим. Бунинг учун инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, сўз эркинлиги, фикр эркинлиги, шахс дахлсизлиги тўлиқ таъминланиши даркор.

«Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни беэозта қўлаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан

газеталарида босилган. Мазкур чиқишлар Олий суд томонидан ўрганиб чиқилганда, уларда ёритилган ишларнинг баъзилари бўйича юрилтирган фикрлар пухта асосга эга эмаслиги аён бўлади. Суд қарорлари ни бекор қилиш ёки ўзгариштириш масаласида суд раҳбарлари томонидан протест билдирилган ҳолатларда ҳам мақола муаллифлари

филади. Тўғри, асоссиз ёзилган мақолаларга нисбатан, қонунда белгиланган тартибда раддия берилиши мумкин. Аммо, дастлабки мақолани ўқиб, судга нисбатан муносабат салбий томонга ўзгариб улгурган газетачининг кейинчалик чоп этилган раддияга кўзи тушадими, йўқми, ўқитганда ҳам унинг шуури бўлган ҳоқоқа моҳиятини тўлиқ қабул қила оладими, тўғрисида таҳлилий мақолаларни кўпроқ бериб боришса, айни мудоао бўлар эди.

Эйтим, юридик жиҳатдан хом мақоланинг ёзилишига журналистнинг етарли ҳуқуқий билимга эга эмаслигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Аммо, кўп ҳолларда олий юридик маълумотга эга бўлган адвокатлар муаллифлигида ҳам шундай чиқишлар учрамоқда. Мисол яна «Мохият» газетасидан. «Судга берилган сатирик газалар» мақоласи. Унинг муаллифи мақолада ўзи адвокат сифатида иштирок этган суд процессига раислик қилган судьянинг хатти-ҳаракатлари ҳақида сўз юритган. Аммо, нимага адвокат адвокат бўлишига ўзи нотўғри деб ҳисоблаган процессуал ҳаракатларни устидан, қонунда белгиланган нидек, юқори инстанция судига эмас, газета таҳририятига мурожаат қилган? Газета судьянинг хатти-ҳаракатлари устидан назорат қилувчи орган эмаслигини, юрист сифатида, унинг билиши анки.

Матбуот жуда кўтулғ минбар. Бу минбарга чиқиш оқидан ҳар бир муаллиф, ўзининг маънавий салоҳиятига баҳо бериши, ёритилажак мазмуни обдон ўрганиб, ҳолис фикр юрита билиши лозим. Бу минбар мустақиллик ва маълумотдан фарқ тозаллиги ва ҳаққонийлигини, энг асосийси, талқин қонунчилигини сурштириб қўйиши, бу талабнинг «цензурага мутлақо дахли йўқлигини тушуниши ва тушунтира билиши даркор.

Жамиятда ҳеч ким ва ҳеч бир ҳодиса танқиддан холи бўлиши мумкин эмас. Айни пайтда танқид ширин мева бериши учун у ҳаққоний, холисона бўлиши лозим.

Ж. БАЛКИБАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўлими судлов ҳайъати раиси. Й. ТУРСУНБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўлими судлов ҳайъати раиси.

Айтилган сўз — отилган ўқ

Матбуотда судлар фаолиятига оид чиқишлар хусусида

бирга, ҳолис баҳо бериб бориши керак».

Табйир жоиз бўлса, халқимизнинг ҳуқуқий маданиятига ҳуқуқшунослар — судьялар нечоғли масъул ҳисобланса, оммавий ахборот воситалари вакиллари қонуннинг ҳавобгарлиги бундан кам эмас.

Маълумки, Ўзбекистон қонунчилигида сўз ва матбуот эркинлиги тўла қаролатилган, оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятларини амалга оширишда тўлиқ мустақилдирлар. Аммо бу матбуот саҳифаларида кимнинг асоссиз, шаън ва қадр-қимматига тегадиган, ишчанлик обрўсини камситадиган маълумотлар тарқатиш мумкин, дегани эмас.

Сўнги пайтларда оммавий ахборот воситаларининг қатор чиқишларида хали қонуний кўчга кирмаган ёки юқори инстанция судлари томонидан қўриб чиқилиб, қонунийлиги текширилмаган суд қарорлари юзасидан, шунингдек чоп этилишидан аввал Олий суд ҳулосаси олинмаган, фақат бир тарафини вақалари асосида ёзилган мақолалар ҳам учрамоқда. Бундай мақола муаллифларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятида жиддий қусур борлигини англаш қийин эмас.

Чунки, 2004 йилнинг биринчи ярмида марказий матбуот саҳифаларида бевосита суд фаолиятига оид кўпмақтал танқидий мақолалар чоп этилган. Улар асосан «Хуррият», «Мохият», «Адолат» ва «Ўзбекистон овози»


томонидан ўртага ташланган фикрлар эмас, балки ишни қуриш жараёнида йўл қўйилган бошқа камчиликлар сабаб бўлган.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, суд қарорлари устидан қўл холларда шикоят ва ариза тушириш қўлтилади. Негаки, фуқаролик иши бўйича иккала тарафини ҳам қонунчилик қарор чиқарилиши мушкул бўлиб, қўлчица бир томон, албатта, норози бўлади ва шикоят ёзади. Жиноят иши бўйича ҳам таъминланган жазо одатда маҳкум назарда оғир туюлади. Айбдор ва унинг яқинларининг ҳар бир имкониятдан илжин қидириб, шикоят бериши ҳам табиий. Шу маънода вазиятни тушуниш ва масалга тўғри ёндашиш лозим.

Фақат бир тарафини фикрини тинглаб, эхтиросиз мақолалар билан қилинган чиқишлар жамиятга зарар келтиришини, суд ҳокимияти обрўсини сақлаш ва уни юксалтиришдан эса, жамият аъзолари баравар манфаатдор эканлигини ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак.

Чоп этилган танқидий мақолаларнинг муайян қисмида фактлар ўз тасдиғини топмаганлиги шундай эътирофни кайд этишимизга изн бермоқда. Бундай танқидий мақолаларни ўқиган газетачини суд ҳокимиятига нисбатан ишонч сўзаси шубҳасиз. Жамиятга, ундаги бошқарув тизимига нисбатан норозилик қайфияти ту-

нинг иштироки ва ўрни ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари юзасидан фикрлар билдирдилар. Тадбирлар баҳс-мунозара, савол-жавоблар асосида ўтди. Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА.



Тож Маҳал тўйи

Хиндистон ва бутун жаҳон ахли шу кунларда дунёда энг гўзал ёдгорликлардан бири — Тож Маҳал мақбарасининг 350 йиллигини нишонламоқда.

Тарихдан барчамизга маълум, ушбу ажойиб саройни Бобурнинг невараси Шохжаҳон семимли турмуш ўртоғи Мумтозга атаб бунёд этган. Улар бир-биридан ажралмай 14 йил умр кечирган. Мумтоз Маҳал ("Саройнинг хазиначиси") Шохжаҳон билан барча сафарларда ҳам бирга бўлган. Ва шундай сафарлардан бирида вафот этган. Қайғуга чўмган подшоҳ жасади мўминланган хотинининг жасади сақланади.

ган хонада ойлаб ўтириб, у ердан анча қариган ва ҳаётга қизиқиши сусайиб чиқди. Икки йилдан сўнг Мумтозни дафн этиш учун мана шу мақбарани куриш ҳақида буйруқ беради.

Шундан сўнг Шохжаҳон ўзи учун қора мрамрдан мақбара куриш ҳақида қарор қилди. Қурувчилар унинг пойдеворини битириб улгурмасдан, шохнинг катта ўғилларидан бири — Жаҳонгир уни

тахтдан ағдаради. Шохнинг ўғлидан уни Тож Маҳал кўриниб турадиган жойга қамашни илтимос қилади. Жаҳонгир отасининг илтимосини бажо келтиради. Шохжаҳон умрининг сўнгги кунларини Тож Маҳалдан икки километрча узоқликда жойлашган минорада ўтказди. Шохжаҳоннинг қўбилияти сусайганда унга Тож Маҳалнинг акси кўринадиган катта зумрад келтирилади: Кейинчалик шохнинг жасади мана шу зумрадга суянган ҳолда топилган.

Ана шундай буюк муҳаббат тарихи ва ўта

гўзал мақбара ҳар йили минглаб сайёҳларни ўзига тортади. Шу ҳафта бошланадиган юбилей тадбирларига ҳам турли ўлкалардан юз минглаб сайёҳ келиши кутилмоқда.


Мақбара ўзининг нафислиги ва бетакрорлиги билан ҳақиқий мўъжизага айланди. Унинг деворлари қимматбаҳо тошлар ва жозибали ўймакорлик билан безатилган. 1996 йилда мутахассислар байрамларда ишлатиладиган прожектор нурлари, баланд муслиқа Тож Маҳалга салбий таъсир кўрсатади, деган ху-

лосага келишганди. Шунинг учун байрам тадбирлари мақбарадан икки километр узоқликда жойлашган "Қизил форт" қалъасида ўтказилмади бўлди.

Хиндистонликлар байрамни нишонлаш учун ярим миллиондан зиёд сайёҳ келишини кутилмоқда.

Дарҳақиқат, британиялик сайёҳ Эдвард Лир XIX асрнинг ўрталарида ёзган "Қизил форт" қалъасида ўтказилмади бўлди.

Астероид яқинлашмоқда



Усурия астероиди расадхонасидан олинган маълумотларга кўра, сайёрамизга улкан Тутотис астероиди яқинлашиб келмоқда. Эртага ушбу астероид Ерга нисбатан энг яқин масофадан — 1,5 миллион км узоқликдан ўтади. Бу пайтда Тутотисни дурбин ёки кичикроқ телескоп орқали куриш мумкин.

Уз шакли билан мазкур астероид 4,6x2,4 ҳажмдаги улкан ер ёнғоқ мағзини ёдга солади. Мутахассисларнинг айтишича, Тутотиснинг Ерга навбатдаги яқинлашуви 2562 йилга тўғри келади.

Уз шакли билан мазкур астероид 4,6x2,4 ҳажмдаги улкан ер ёнғоқ мағзини ёдга солади. Мутахассисларнинг айтишича, Тутотиснинг Ерга навбатдаги яқинлашуви 2562 йилга тўғри келади.

Уз шакли билан мазкур астероид 4,6x2,4 ҳажмдаги улкан ер ёнғоқ мағзини ёдга солади. Мутахассисларнинг айтишича, Тутотиснинг Ерга навбатдаги яқинлашуви 2562 йилга тўғри келади.

Уз шакли билан мазкур астероид 4,6x2,4 ҳажмдаги улкан ер ёнғоқ мағзини ёдга солади. Мутахассисларнинг айтишича, Тутотиснинг Ерга навбатдаги яқинлашуви 2562 йилга тўғри келади.

Уз шакли билан мазкур астероид 4,6x2,4 ҳажмдаги улкан ер ёнғоқ мағзини ёдга солади. Мутахассисларнинг айтишича, Тутотиснинг Ерга навбатдаги яқинлашуви 2562 йилга тўғри келади.

Хитойда болалар савдоси билан шуғулланган жиноий гуруҳ раҳбари ўлим жазосига маҳкум қилинди. Ҳақиқатан ҳам бу гуруҳ 200 дан зиёд болани сотиб юборган. Ушбу гуруҳ қирқдорлари ўтган йили 28 нафар чақ-

Жиноий гуруҳ раҳбари устидан ҳукм

лоқни олиб кетаётган автобус қўлга олинадиган сўнг текширувлар натижасида очиб ташланди. Бундан сал илгари суд гуруҳ бошлиғи Ли Гочжу 76 чақалоқни сотиб юборганликда айбдор деб топилган эди. Гуруҳда ҳаммаси бўлиб 60 киши фаолият кўрсатган, улардан кўпчилиги жиноий жавобгарликка, ҳусусан, ўлим жазосига ҳам тортилди.

Заҳиралар очилади

Оқ уй маъмурияти "Иван" довули оқибатида фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган нефть етказиб берувчи заводларга ўз резервларини очишга рухсат берди, деб хабар беради Financial Times газетаси.

АҚШ энергетика вазири Спенсер Абрахамнинг айтишича, вазирилик давлат захирасидаги нефть резервларидан маълум муддатга кредит бериш борасида бир неча нефть компаниялари билан музокаралар ўтказган.

Гумондорлар қўлга олинди

Мексикада террорчилар билан алоқада бўлганликда гумон қилинаётган 2 нафар иорданиялик қўлга олинган. Ҳавфсизлик ходимлари олдинроқ Коста-Рикадан депортация қилинган бу шахслар Мексика орқали АҚШ чегарасидан ўтиб кетмоқчи бўлган, дея шубҳа қилишмоқда.

"Биз уларнинг Мексикага келишдан мақсади нима бўлганини ва улар ҳақиқатан ҳам Қўшма Штатларга ўтмоқчи бўлганини йўқлигини аниқлаш учун қўлимиздан келган ҳамма нарсани қиламиз", деб баёнот берди Мексика Бош прокурири Рафаель Маседо.

Автобус ҳалокати

Грецияда Пароолимпия ўйинларига мактаб ўқувчиларини олиб кетаётган автобус юк автомобилга урилиб кетди. Дастлабки маълумотларга кўра, фалокат оқибатида ҳалок бўлганлар бор. Автобусда жами 41 нафар ўқувчи ва бир

неча ўқитувчи бўлган. Йўл ҳодисаси Афинадан 180 км шимолда юз берган.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

«Очсанг шовқин, ёпсанг дим»

Россия президенти Владимир Путин мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ва давлат тузумидаги ўзгаришларга баъзи хориж оммавий ахборот воситаларининг танқидий чиқишларига жавобан давлат демократия ва бозор иқтисодиёти ислохотларидан чекинмаслигини билдирди.

Москвада турли давлатлардан 115 та ахборот агентлиги вакиллари йилга янги конгресснинг очилиш маросимидан Россия президенти мамлакат ўн йил илгари танлаган йўлидан кетаётганини айтди.

— Ҳеч қандай бурилиш бўлмади. Россия ўн йил аввал ўз йўлини танлаган, — деди Владимир Путин 1993 йилнинг декабрь ойида қабул қилинган мамлакат конституциясини назарда тутиб. — Россия демократик, бозор иқтисодиётига таянган ва ижтимоий давлат бўлмоқчи, бўлади ҳам.

Лекин биз дуч келган ҳолатдан хулоса чиқаришимиз керак, деди Путин Бесландига воқеалар ва августнинг охирида мамлакатда

амалга оширилган портлашларга ишора қилиб.

Россия президенти сўнгги пайтларда амалга оширилган террористик ҳаракатларнинг мақсади мамлакат ҳаётини издан чиқаришга эмас, балки унинг яхлитлигига зарба берди, деди.

Шу тўғрисида Путин Россия яхлитлигини мустаҳкамлаш учун давлат тузумида ислохотлар ўтказиш бўйича тақдирлар қиритилганини таъкидлади. Маълумки, бу ислохотлар губернаторлар ва бир мандатли депутатлар сайловини бекор қилишни назарда тутди.

— Биз демократик давлатларга хош бўлмаган бирон иш қилмоқчи эмасмиз, — деди Владимир Путин терроризмга қарши курашни конституцион демократик ва ҳалқоро мезъорлар асосида олиб борилишига ишонтириб.

Шунингдек, Путин мажбури ислохотлар жамият назорати асосида амалга оширилишини ҳам таъкидлади.

Россия президенти ЮКОС бўйича ҳам гапирди. У давлат айна пайтда иши

судда кўрилаётган компаниянинг активларига эга бўлиш фикридан йироқ эканини ва яқинда эълон қилинган "Роснефть" ҳамда "Газпром" каби давлат компанияларининг бирлашиши ЮКОС билан боғлиқлигини ҳам маълум қилди.

"ЮКОС — хусусий компания. Давлат уни солиқлар тўламаганликда гумон қилапти. Давлат ўз манфаатларини кўнун асосида бунга қилиш ҳуқуқига эга" деди Путин.

Давлат ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар ҳақида гапирар экан, Россия президенти "терроризмга қарши кураш матбуотининг эркинлиги ва мустақиллигини чеклаш учун сабаб бўлмаслигини" қайта айтиди. У сўз эркинлигини дераза билан қиёслайди: "Очсанг шовқин, ёпсанг дим".

Президентнинг фикрича, баъзи журналистлар эскича қарашлардан ҳалигача воқиф бўлолмаган. Улар собиқ иттифоқ ва бугунги Россия ўртасидаги фарқни илғашмайдилар. Россия раҳбари Фарб матбуотида ишлатилаётган баъзи

Олтин савдоси тўхтатилди

Франциянинг маркавий Euronext биржасида 56 йилдан буён давом этиб келаётган олтин савдолари тўхтатилди. Бунга сабаб қилиб, биржанинг Лондон олтин бозори билан қучли рақобатга бардош бера олмаётгани ҳамда сармоюдорлар қизиқишининг пасайиши кўрсатилмоқда. Сўнгги кунларда Лондон биржасида кунга 200 минг тонна олтин сотилаётган бир пайтда, Парижда бу кўрсаткич 50 килограммдан ошмаётган эди.

Олтин савдоси дастлаб ёзда тўхтатилган ва унинг шу йўлда қайта тикланиши кўтиляётган эди. Аммо энди Париж биржасида олтин савдоси олиб берилмайдиган ва бундан буён Европа зонасидаги савдолар Лондон фиксингга бўйича амалга оширилади.

Франциянинг маркавий Euronext биржасида 56 йилдан буён давом этиб келаётган олтин савдолари тўхтатилди. Бунга сабаб қилиб, биржанинг Лондон олтин бозори билан қучли рақобатга бардош бера олмаётгани ҳамда сармоюдорлар қизиқишининг пасайиши кўрсатилмоқда. Сўнгги кунларда Лондон биржасида кунга 200 минг тонна олтин сотилаётган бир пайтда, Парижда бу кўрсаткич 50 килограммдан ошмаётган эди.

Олтин савдоси дастлаб ёзда тўхтатилган ва унинг шу йўлда қайта тикланиши кўтиляётган эди. Аммо энди Париж биржасида олтин савдоси олиб берилмайдиган ва бундан буён Европа зонасидаги савдолар Лондон фиксингга бўйича амалга оширилади.

Олтин савдоси дастлаб ёзда тўхтатилган ва унинг шу йўлда қайта тикланиши кўтиляётган эди. Аммо энди Париж биржасида олтин савдоси олиб берилмайдиган ва бундан буён Европа зонасидаги савдолар Лондон фиксингга бўйича амалга оширилади.

«Ал-Қоида» раҳбарларидан бири ўлдирилди

Покистон ҳукумати янги хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан мамлакатнинг жанубидаги Синдх музофотида "Ал-Қоида" гуруҳидаги юқори лавозимлардан бирини эгаллаб турган шахс ўлдирилган. Ахборот вазири Шайх Рашид берган баёнотга кўра, ҳалок бўлган жангари Аҳмад Фаруқи ўтган йил декабрь ойида содир этилган Покистон президенти Парвез Мушаррафга суиқасд ва 2002 йилда америкалик журналист Даниэл Перлнинг ўлдирилиши бўйича қидирувда бўлган. Жангарининг жони учун 20 миллион рупий (330 минг АҚШ доллари) миқдорда мукофот ваъда қилинган эди.

Аҳмад Фаруқи Қарақидан шимоли-шарқда жойлашган Навабшаҳ шаҳарчасида юз берган 4 соатлик отишма чоғида ўлдирилган. Ундан ташқари яна қамида 3 нафар жангари улган деб таҳмин қилинмоқда.

Операция пайтида бир неча киши ҳибсга олинган. Покистон ички ишлар вазири Аҳмад Хон Шерпаонинг сўзларига қараганда, ҳибсга олинганлар "террористик фойлатга ҳам иштирокчи бўлиши мумкин", бироқ ҳозирча уларнинг шахси аниқлангани йўқ. "СНН" дан олинган маълумотларга кўра, шу кунга қадар Покистон хавфсизлик кучлари томонидан "Ал-Қоида" террористик ташкилоти билан алоқадор бўлган жами 600 дан зиёд шахс қўлга олинди.

Хитойлик сайёҳлар — Европада

Жорий йилнинг сентябрь ойидан Хитой Европанинг 27 давлати аъзо бўлган "Рухсат этилган сайёҳлик йўналишлари" клуби билан алоқаларини йўлга қўйганини маълум қилди. Шу пайтгача хитойликлар Европада фақат хизмат сафари ва расмий делегациялар таркибиде саёҳат қилардилар. Айна пайтда Европада Хитойнинг қўлпаб сайёҳлик агентликлари очилмоқда. Европанинг янги сайёҳлик дастури хитойликларга 15 кунда 8-15 мамлакатни бориб кўришга им-

коният яратди. Шу боис европаликларнинг илтимосига кўра, сайёҳларга қўшимча виза бериш мақсадида Франция ўзининг Пекиндаги дипломатик ваколатхонаси биносини кенгайтиришни кўзда тутмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (ВТО) маълумотига кўра, хитойлик саёҳат иштирокчилари 1988 йилда 1 миллион, 2002 йилда 16,5 миллион дунё бўйлаб сафарга чиққан бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилга бориб, 100 миллион кишига етиши мумкин экан. Яқин ўн йил-

ликда Хитой саёҳатга чиқувчилар ва уларни қабул қилиб олиши жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринни эгаллаши кутилмоқда.

Францияда ушбу соҳанинг етакчилари, ҳусусан сайёҳлик ташкилоти ва Париж конгресси ўттизта туроператор томонидан имзоланган хартия яратди. Унга кўра, таъомнамалар, сайёҳат режалари, жойлар, меҳмонхоналардаги ёзувлар хитой тилига ўгирилди. Мамлакат пойтахтидаги Монпарнас меҳмонхонасида хитой тилидаги телеканал намойиш этила бошланди.

Эндиликда Парижнинг сайёҳлар билан гапирар хитойлик ва савдо ристаларида хитой тилидаги ёзувларни ҳам учратиш мумкин.

Илҳом РАҲМОНОВ, "Жаҳон" АА.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГҲИ БАНКИ!

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
қўйидаги кафедралар мудири лавозимларига шартнома асосида

Ижтимоий гуманитар фанлар маркази бўйича:
фалсафа, Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти, Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ, маънавият асослари, чет тиллари, ўзбек ва рус тиллари.

Фундаментал фанлар факультети бўйича:
умумий ва ноорганик кимё, физика, олий математика, органик кимё, механика асослари ва муҳандислик графикаси, жисмоний тарбия ва спорт.

Озиқ-овқат ва дон маҳсулотлари технологияси факультети бўйича:
ёғ-мойлар технологияси, қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси, гўшт-сут ва консерваланган маҳсулотлар технологияси, донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси, биотехнология.

Тўлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб — 1 ой.


Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

1. Арiza
2. Шахсий варақа
3. Олий маълумот ҳақида диплом нусхаси
4. Илмий ишлар рўйхати
5. Илмий даражаси ва унвони ҳақидаги гувоҳномалар нусхаси

Манзил: Тошкент ш., 700011, Навоий к., 32-уй, кадрлар бўлими, телефон 144-79-31.

Пўлат ҳаммага керак

Бутун жаҳон пўлат қуовчилари ишлаб чиқариш рекордларини янгилашмоқда. Жорий йилнинг 8 ойида дунёда пўлат ишлаб чиқариш ҳажми 8,5 фоизга кўпайди.



Металлургия корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмини бундай тезликда кўпайтиришга қўйилган пўлат маҳсулотларига талаб орғани сабаб бўлди. Натижада унинг нархи ҳам ошиб борапти.

Халқоро чўян ва пўлат институти тарқатган маълумотларда 2004 йили дунё бўйича пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврадаги нисбатан 8,5 фоиз, яъни 675 475 миллион тоннага кўпайгани айтилган.

Хусусан, МДҲ давлатларида шу йилнинг биринчи ярмида 74,04 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг биринчи ярмидаги дунё 5,7 фоиз кўпайди.

Шу муносабат билан Фарбий Европанинг кўнгина йирик пўлат ишлаб чиқарувчи компаниялари металл маҳсулотларининг нархини оширишди. Бунга биринчи навбатда кокс қўмири, темир руда хомашёлари, қора металл

халқоро чўян ва пўлат институти тарқатган маълумотларда 2004 йили дунё бўйича пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврадаги нисбатан 8,5 фоиз, яъни 675 475 миллион тоннага кўпайгани айтилган.

Хусусан, МДҲ давлатларида шу йилнинг биринчи ярмида 74,04 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг биринчи ярмидаги дунё 5,7 фоиз кўпайди.

Шу муносабат билан Фарбий Европанинг кўнгина йирик пўлат ишлаб чиқарувчи компаниялари металл маҳсулотларининг нархини оширишди. Бунга биринчи навбатда кокс қўмири, темир руда хомашёлари, қора металл

халқоро чўян ва пўлат институти тарқатган маълумотларда 2004 йили дунё бўйича пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврадаги нисбатан 8,5 фоиз, яъни 675 475 миллион тоннага кўпайгани айтилган.

Хусусан, МДҲ давлатларида шу йилнинг биринчи ярмида 74,04 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг биринчи ярмидаги дунё 5,7 фоиз кўпайди.

Шу муносабат билан Фарбий Европанинг кўнгина йирик пўлат ишлаб чиқарувчи компаниялари металл маҳсулотларининг нархини оширишди. Бунга биринчи навбатда кокс қўмири, темир руда хомашёлари, қора металл

мини ташкил этди. Умуман, бугунги кунда дунёда ишлаб чиқарилаётган ҳар беш тонна металлнинг бир тоннасини Хитой истеъмол қилади.

АҚШда шу йили металл маҳсулотларига эҳтиёж 5 фоизга ўсди. Япония ва Европа Иттифоқи давлатларида талаб аввалгидек сақланиб турибди.

Кузатувчилар бугунги кунда жаҳон металлургия маҳсулотлари бозори икки йўналишда ривожланиши мумкинлигини таъкидлашапти. Биринчи металл маҳсулотлари нархи бутун жаҳон иқтисодиёти сингари ўзгарувчан бўлиши мумкин. Бу эса, агар жаҳон иқтисодиёти ривожланиши сусайса, пўлатга бўлган эҳтиёж ҳам қамарди ва нархлар пасаяди, деганидир. Мутахассислар бундай ҳолат 2006 йилга тўғри келиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Аммо таҳминларга кўра, жаҳон иқтисодиётидаги ўсish 2007 йилдан яна бошланиши башорат қилинапти.

Иккинчисиде эса, агар Хитой томонидан пўлатга бўлган катта талаб сақланса, жаҳон бозорида пўлатнинг нархи юқориликка қолади. Бундай вазиятда пўлат маҳсулотлари 2009 йилга қимматлигича қолшиши мумкин.

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси кимё, озиқ-овқат, дон, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қуриш маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноат корхоналари учун етук малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича ягона таянч олий ўқув юрти ҳисобланади.

2004 йил 1 август кунини ўтказилган тест синовларида муваффақиятли қатнашиб, давлат қабул комиссияси қарори билан давлат грантлари ва тўлов — шартномаси асосида талабаларга тавсия этилган барча абитуриентларни муборакбод этади.

Қуйидаги таълим йўналиши, тили ва шакли бўйича кўрсатилган балларни тўплаган абитуриентларни институт қабул комиссиясига мурожаат этиб, тўлов шартномаларини расмийлаштириб тўлов маблағларини институт ҳисоб рақамига 2004 йилни 30 сентябрга қадар амалга оширишларини сўраймиз. Институт қабул комиссияси институтнинг бош ўқув биносининг 302-хонасида жойлашган.

коди	Таълим йўналиши	Баллар оралиғи
1001;2001	Атроф муҳит муҳофазаси.	107,7 дан — 68,0 гача
1003;2003	Кимёвий технология	112,7 дан — 68,0 гача
1041;2041	Автоматлаштириш ва бошқарув	110,4 дан — 68,0 гача
1047;2047	Озиқ-овқат технологияси	131,8 дан — 68,0 гача
1056;2056	Ер усти транспорт тизими	121,0 дан — 68,0 гача
1057;2056	Касбий педагогик тайёргарлик	83,8 дан — 68,0 гача

Манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 32-уй, тел. 144-79-27.

Болалар спорти:

ЭЗГУ ҒОЯДАН АМАЛИЙ ВОҚЕЛИККА

(Давоми. Боши 1-бетда).

мулоҳазани айтгимиз келади. Маълумки, бадий гимнастика машқлари бола-лар ва қизлар 4-5 ёшдан киришишлари лозим. Демак, бундай спортчиларни етиштириш ишига мактабга тарбия муассасларида замин яратилади. Шу боисдан, мазкур спорт турини ривожлантириш таълим соҳаси раҳбарлари катта масъулият юклайди.

Хуллас, Халқ таълими вазирлиги ҳузурда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарорини, энг аввало, мамлакатда спортни ривожлантириш ишини болаликдан бошлашга давват этиши ва шу мақсадни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилганлиги билан алоҳида қимматлидир.

Унинг иккинчи бир фазилати яна куйидаги ҳолатда намойён бўлади. Табиийки, спорт билан шуғулланган ҳар бир шахс, охир-оқибатда, профессионал спортчи бўлиб етишмаслиги ҳам мумкин ва бу шарт эмас. Бирок болаликда спортга пайдо бўлган қизиқиш ва кўнжиклар, танадаги чинкиш — инсонга бир умрга асқотади. Ҳар биримиз бундан кейин ҳам, шахсий саломатлигимиз ҳақи, спорт билан улуқсиз шуғулланиб боришга ўзимизда эҳтиёж ва мойиллик сезамиз. Хуллас, давлат миқёсида бола-лар спортини ривожлантиришга доир кўрилатган чора-тадбирлар мамлакатда спортнинг оммавий ҳаракати айланганини ҳам таъминлайди ва халқ саломатлигини яхшилашга катта ижобий таъсир кўрсатади.

Нихоят, мазкур қарорнинг яна бир муҳим жиҳати бор. Болалар спортини ри-

вожлантириш яхши ният, эзгу ғоядан амалий воқеликка айланиши учун кучли моддий-молиявий замин, улкан ҳажмдаги маблағ керак. Шу боисдан, болалар спортини ривожлантиришга доир юқоридаги расмий ҳужжатда бу соҳани кўллаб-қувватловчи жамғармани тузиш зарурлиги энг асосий вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган.

Мазкур жамғармага республикамиздаги бир қатор вазирликлар, давлат кўмиталари, компаниялари, шунингдек, анчагина мустақил хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳомийлиги ўз зиммаларига олганлар. Улардан ташқари, жамғармага халқро молиявий ташкилотлар ва ҳоризий ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш бўйича ҳам фаол иш олиб боришмоқда. Хуллас, кучли, самарали ишлайдиган жамғарма, албатта, вужудга келмоқда ва у Ватанимизда болалар спортини барқ уриб раванқ топтиришдек хайрли ишга ўзининг улкан ҳиссасини қўшади.

Қарорда яна бир муҳим ўрин бор. Унда, айниқса, қишлоқ жойлардаги мактабларда спортни ривожлантириш ва улар учун мустаҳкам, замон талабидидаги спорт базаларини вужудга келтириш вазифаси ҳам қўйилган. Бу табиий ҳол, албатта. Сабаби, мамлакатимиз ёшларининг катта қисми қишлоқларда яшайди.

Демак, улар ҳам бамисоли шаҳарлардагидай спорт билан шуғулланиш имкониятларига эга бўлишлари зарур. Ҳозирги кунда бутун диққат-этибор шунга қаратилган. Айрим далиллари келтирайлик. Жумладан,



Давлат миқёсида болалар спортини ривожлантиришга доир кўрилатган чора-тадбирлар мамлакатда спортнинг оммавий ҳаракатга айланиши ҳам таъминлайди ва халқ саломатлигини яхшилашга катта ижобий таъсир кўрсатади.

мактаб таълимини ривожлантириш дастурига биноан, ҳозирги мавжуд мактаблар ёнига яна 325 та, энг замонавий лойиҳалар асосида янги мактаблар қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилади. Эътибор қилинганки, уларнинг 300 таси қишлоқларда бўлиб қўйилган. Демак, мана шу 300 та мактабдаги замонавий спорт заллари, спорт майдонлари қишлоқлардаги

мактаб ўқувчиларига хизмат қилади. Дастурга асосан, капитал ёки жорий таъмирланиши режалаштирилган мактаб спорт мажмуаларининг катта қисми ҳам қишлоқларда жойлашган.

Умуман айтганимизда, 2010 йилга бориб 6730 та умумий ўрта таълим мактаблари ўз замонавий спорт залларига эга бўлади. Мамлакатимиздаги барча 9727 та мактаб замонавий спорт майдонлари билан тўла таъминланади. Хуллас, Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантиришга бўлган эътиёж 94,3 фоиз даражасида таъминланган. Бунинг устига, соҳада фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг ҳам факат 50,5 фоизи олий маълумотли. Демак, мактабларни спорт бўйича етук ма-лакали ўқитувчилар ва мураббийлар билан тўлиқ таъминлаш бўйича ҳам жиддий иш олиб борилиши керак. Шундай бўлганда ҳам, 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб барча педагогика институтлари, университетлар ҳамда Республика жисмоний тарбия институтига бу йўналишда махсус қабул йўлга қўйилди. Жорий йилнинг ўзига, 665 нафар ўрта махсус маълумотли жисмоний тарбия ўқитувчилари олий таълим муассасаларига қабул қилинди. Мавжуд кадрлар малакасини ошириш ва соҳани мутахассис спортчи ўқитувчи кадрлар билан тўлиқ таъминлаш соҳасидаги ишлар қизгин давом этапти.

Мақтабларда болалар спортини ривожлантиришга эътиборнинг қучайтирилганлиги юртимизда таълим-тарбияга қарашнинг тубдан ўзгараётганлигини яққол кўрсатади. Авлодлари соғлом юрт қудратли бўлади. Аспрал оша яшаб келаётган бу хизмат ҳозирги педагогик фаолиятда энг белгиловчи қондалардан биридир. Бундай қарашларнинг келажаги ҳам порлоқдир.

М. САФАРОВ, шарҳловчи.

Мухтарам юртдошлар!

Асака ДАТ банки

сизларни ўқитувчилар ва Мураббийлар кунин билан

самимий табриклайди ва миллий валютадаги «Мустақиллик» омонатига аҳолидан маблағларни қабул қилиш муддатини 2004 йилнинг 1 октябригача узайтирганлигини маълум қилади.

Ушбу омонат турини банкнинг истаган филиалида очишингиз мумкин.

Омонатни сақлаш муддати 45 кун.

Омонат бўйича йиллик 42% фоиз ҳисобланади.

Ҳисобланган фоизлар омонат очилган кунин ҳисоблаб берилиши мумкин.

ДАТ «Асака» банки сармоянгизни сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди.

Мурожаат учун телефонлар:

120-84-08, 57-85-15, 120-84-23.

ПОЛЬША МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ ПОЛЬСКАЯ НАЦИОНАЛЬНАЯ ВЫСТАВКА

ЭТО ПОЛЬША

г. Ташкент, 5 — 8 октябры 2004 года УЗЭКСПОЦЕНТР, ул. Амира Темура, 107.




Время работы выставки: 5.10.2004 г. — с 11.00 до 17.00, 6-7.10.2004 г. — с 10.00 до 17.00, 8.10.2004 г. — с 10.00 до 17.00.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Advertisement for car dealerships listing models like GAZ-31105, GAZ-3102, VAZ-2106, and GAZEL with prices and contact info.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Беғали ҚОСИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Advertisement for 'Sharq' printing and publishing company, including contact details and services.



СУРАТДА: коллеж ўқитувчилари Собир Турдиев, Моҳира Маҳманова ва коллеж директори Абдулвахоб Жумаев.

Advertisement for 'Yangi Berlinning 50 ta loyihasi' architectural project, mentioning a competition and deadline.

Advertisement for 'Tashkilot va korxonalar diqqatiga!' regarding architectural and construction services.

Advertisement for 'Namangan viloyati konsalting markazi' providing consulting services.

Қарши педагогика коллежи вилоятдаги тўнғич ўқув даргоҳларидан саналади. Қарийб саксон йиллик тарихга эга бўлган ушбу даргоҳ ўқув юр-лари орасида катта нуфузга эга.

Advertisement for 'ROSSIYADAN KELTIRILGAN LIНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.' featuring linoleum products.

Advertisement for 'O'ZSANOATQURILISHBANK' offering services for businesses.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово' newspaper, including subscription rates.

Ҳомийлар қурган мажмуа Қораўзақ туманидаги "Маданият" ширкат хўжалигида болалар учун замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топшириди.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ' providing contact info for the newspaper.